ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№72 (1025)
2026 йил 21 август, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Президент ташрифидан сўнг

Хивада тарих ва замонавий инфратузилма уйғунлиги

Ўтаётган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ҳар йилги анъанага мувофиқ, 18 август куни тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Аҳамиятли жиҳати, бу галги очиқ мулоқотга Хива шаҳри мезбонлик қилди. Унда бизнес вакиллари учун бир қатор янгиликлар ва кенг имкониятлар маълум қилинди.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Хива шаҳрига ташрифи давомида воҳада амалга оширилаётган йирик бунёдкорлик ва инфратузилма лойиҳалари билан ҳам танишди. Ташриф чоғида янги барпо этилган Конгресс-холл, уч юлдузли меҳмонхона ва “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи фаолияти кўздан кечирилди. Шунингдек, юртбошимиз ташриф давомида Урганч–Хива йўналишида барпо этилган янги пуллик автомобиль йўли билан танишди.

Мазкур лойиҳалар Хива шаҳрида замонавий хизмат кўрсатиш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлар учун қулай шароит яратиш ҳамда шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада оширишга қаратилган.

Йирик мажмуалар – туризм ва хизматлар соҳаси учун янги нуқта

Давлат раҳбарининг 2026 йил 30 апрелдаги тегишли ҳужжати асосида барпо этилган мазкур объектлар олдига салмоқли вазифалар қўйилган. Уларни ишга тушириш орқали қарийб 2 мингта янги иш ўрни яратиш, йилига 50 минг нафар сайёҳга меҳмонхона хизматлари кўрсатиш ва хизматлар экспортини 4 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Замонавий премиум услуб ва Хоразм миллий меъморчилиги элементлари уйғунлашган Конгресс-холл халқаро анжуманлар, бизнес-конференциялар, ҳукуматлараро музокаралар ва маданий форумларни ўтказишга мўлжалланган. Умумий майдони 1,9 гектар бўлган мажмуа қурилишига 857 миллиард сўм бюджет маблағлари йўналтирилган. Атрофда кенг яшил ҳудудлар ва хиёбонлар ташкил этилиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилган.

2 →







Чорбоғда шамол электрга айланди



Саросар кезган шамол...
Чорбоғнинг қир-адирларини йиллар давомида шундай кезиб келган.
Қаердан келиб, қаерга кетишини ҳеч ким тўхтатиб сўрамаган.
Тоғлардан ошиб, тепаликлар бағрини оралаб, баъзан шиддат билан, баъзан майин эсиб, йўлида учраган майса-ю буталарни тебратиб ўтган. Бу тепаликларда шамолдан бошқа деярли ҳеч нарса қад ростламаган кезлар ҳам бор эди.
Бугун эса манзара бутунлай бошқача.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кеча сассиз ўтиб кетган шамол бугун ўзининг изини қолдирмоқда. Тепаликлар устида қад ростлаган улкан турбиналарнинг парраклари унинг кучи билан айланади. Ҳар бир айланишда табиатнинг кўзга кўринмас қуввати электр энергиясига айланиб, симлар орқали одамлар хонадонларига йўл олади.

Бу ерда лойиҳа табиатга қарши эмас, табиатнинг ўзидан келиб чиқиб яратилган. Шамол қайси томондан эсади, қаерда кучаяди, тепаликлар оралаб қандай йўналиш олади – буларнинг барчаси ҳисобга олинган. Турбиналар ҳам тасодифан эмас, шамолнинг табиий йўналишидан энг унумли фойдаланиш мумкин бўлган нуқталарга жойлаштирилган.

Шу маънода Чорбоғдаги иншоот оддий электр станциясидан кўра кўпроқ нарсани англатади: кеча тепаликлар узра саросар кезган шамол бугун электрга айланган.

Бу манзара – янги очилган Чорбоғ шамол электр станциясининг бугунги қиёфасига тегишли.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 20 МВт қувватга эга Чорбоғ шамол электр станцияси фойдаланишга топширилди. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида ишга туширилган мазкур лойиҳа Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик шерикликнинг энергетика соҳасидаги навбатдаги амалий натижаси бўлди.

Очилиш маросимида Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Тзюн (Yu Jun), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъуллари, Энергетика вазирлиги раҳбарияти, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ вакиллари, Тошкент вилояти ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги масъуллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Лойиҳага Хитой Ҳукумати томонидан 28 миллион АҚШ доллари миқдорида беғараз грант ажратилгани Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлигининг амалий самарасини кўрсатади. Икки давлат ўртасида сўнгги йилларда энергетика, инфратузилма ва “яшил иқтисодиёт” йўналишларида шаклланган яқин ҳамкорлик Чорбоғдаги янги иншоот мисолида яна бир бор намоён бўлди.

Станцияда ҳар бири 5 МВт қувватга эга тўртта замонавий шамол турбинаси ўрнатилган. Умумий қуввати 20 МВт бўлган мажмуа йилига 50 миллион кВт.соатгача экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу қарийб 20 мингта хонадоннинг эҳтиёжини таъминлашга етади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ етакчи мутахассиси Аюбхон Мусулмонқуловнинг таъкидлашича, станция марказий электр тармоғига уланган.

– Мазкур шамол электр станцияси қуввати 20 мегаватт бўлган тўртта шамол электр станциясидан иборат, – деди Аюбхон Мусулмонқулов. – Бунинг учун 28 миллион доллар грант маблағлари жалб қилинган. Бу йилига ўртача 50 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш ва 20 мингдан ортиқ хонадонни электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган. Келажакда 5,5 гигаваттдан ортиқ қувватга чиқишни мақсад қилганмиз. Ҳозир шу йўналишда ишлар олиб бориляпти. ГЭС ва гидро-тўплаш электр станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш бўйича ҳам истиқболли лойиҳаларимиз бор.

Шамол энергиясидан фойдаланишнинг яна бир муҳим жиҳати – табиий газ ва кўмир сарфининг камайиши ҳамда атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар ҳажмининг қисқаришидир. Шу маънода Чорбоғдаги лойиҳа мамлакатимизда “яшил энергия” улушини оширишга хизмат қилади. Чорбоғ шамол электр станцияси жойлашган ҳудудда сўнгги йилларда инфратузилма ҳам жадал ривожланмоқда. Туризмнинг кенгайиши, янги қурилишлар ва йўл инфратузилмасининг яхшиланиши аҳолининг кундалик ҳаётида ҳам сезилмоқда.

Маҳалла фаоли Тўрғун Ҳусайнов аввалги ҳолатни эслар экан, электр таъминотидаги муаммоларни алоҳида қайд этди:

– Авваллари сал шамол бўлса, ток ўчарди. Уч-тўрт йил олдин инфратузилма жуда ёмон ҳолатда эди. Ҳозир эса Худога шукур, ҳаммаёқ асфальт, свет ўчмайди, муаммолар анча камайган. Ҳудудимизга дам олувчилар, сайёҳлар келади, халқ ҳам мамнун.

Йирик қурилишларнинг бандликка таъсири ҳам сезиларли. Ҳусайновнинг айтишича, аввал иш излаб хорижга кетган маҳаллий аҳоли бугун ҳудуднинг ўзида меҳнат қилиш имконига эга бўлмоқда.

– Чорвоқ сув омборининг бошқа томонида ҳам қурилишлар кетяпти. Деярли халқнинг ҳаммаси шу ерда ишлайди. Олдин Қозоғистон, Россияга кетарди. Ҳозир эса иш билан таъминланяпти, – деди маҳалла фаоли сўзининг давомида.

Чорбоғ станцияси “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг қайта тикланувчи энергетика йўналишидаги ишларининг бир қисмидир. Жорий йил якунига қадар жамият томонидан жами 114 МВт қувватга эга лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган.

Шундай қилиб, Чорбоғдаги тўртта шамол турбинаси нафақат 20 мегаватт қўшимча қувват беради. Улар Ўзбекистон энергетикасининг янги босқичини: табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза энергия ишлаб чиқариш ва халқаро ҳамкорлик асосида замонавий лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини акс эттиради.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган Чорбоғ шамол электр станцияси Бўстонлиқнинг бугунги қиёфасидаги яна бир муҳим ўзгариш бўлди.

Паркентда янги туризм мажмуаси иш бошлади

Паркент туманида туризм соҳасидаги яна бир йирик лойиҳа – замонавий “Silver Valley” оилавий дам олиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилоятининг бетакрор тоғ манзаралари, мусаффо ҳавоси ва сўлим табиати билан машҳур Кумушкон ҳудудида жойлашган мазкур мажмуа 29,5 гектар майдонни эгаллайди. Хусусий маблағлар ҳисобига бунёд бўлган лойиҳа замонавий ва экологик талаблар асосида амалга оширилган.

Бу ерда меҳмонлар учун 120 ўринли 12 та шале, замонавий ресторан, “Юрта” номли 12 та ресторан-ўтови, сауна ва бассейнлар, миллий ўтовлар, спорт ва болалар майдончалари, зиплайн ва тюбинг аттракционлари, ёзги кинотеатр, фотозоналар ҳамда сайил ва пикник ҳудудлари ташкил этилган. Мажмуа ҳудудини ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 2 минг туп турли дарахт кўчатлари экилиб, 3,5 километр ички йўлга асфальт ётқизилди. Яшил ҳудудларни суғориш мақсадида 1000 тонна сиғимга эга сув иншооти барпо этилди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати – янги иш ўринларининг яратилишидир. “Silver Valley”да 200 нафардан ортиқ фуқарони, жумладан, маҳалладаги ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Паркент туманининг туризм имкониятлари кун сайин ошиб бормоқда. Кумушкон ва Чашма қишлоқларига “туризм қишлоғи” мақоминиг берилиши ҳам ҳудуднинг улкан туристик салоҳиятидан далолат беради. Янги мажмуанинг ишга туширилиши эса, ана шу салоҳиятни замонавий инфратузилма, сифатли хизмат ва янги туристик маҳсулотлар билан уйғунлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Эндиликда тоғ бағрида қад ростлаган мазкур маскан Тошкент вилояти аҳолиси, пойтахт меҳмонлари, юртимизнинг турли ҳудудларидан келувчи сайёҳлар ҳамда хорижлик меҳмонлар учун мазмунли ҳордиқ чиқариш ва табиат қўйнида вақт ўтказиш учун яна бир манзилга айланди.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Хивада
тарих ва замонавий инфратузилма уйғунлиги



1 Конгресс-холл ёнида қад ростлаган уч юлдузли меҳмонхона эса халқаро тадбирлар иштирокчилари ва сайёҳлар учун қўшимча қулайлик яратади. Қиймати 169 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа доирасида 60 та янги иш ўрни ташкил этилган. Тўрт қаватли бинода 156 та хона, 310 ўринли жойлашув имконияти, ресторан-бар, болалар хонаси, терраса, ёпиқ бассейн, фитнес ва велнесс ҳудудлари мавжуд. Меҳмонхонани Конгресс-холл, “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик боғи ва ҳунармандлар расталари билан боғловчи яшил сайр йўлаклари ҳам ташкил этилган.

Қолаверса, “Хива Ичан қалъа” қабуллар уйи ҳам мазкур инфратузилма занжирининг муҳим бўғинидир. Умумий майдони 2 гектар бўлган мазкур мажмуа расмий тадбирлар ўтказиш ва хорижий делегацияларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, лойиҳа қиймати 260 миллиард сўмни ташкил этади. Бино меъморчилигида Хоразмга хос маҳобатли ёғоч ўймакорлиги устунлари, ганчкорлик санъати, кўк ва фируза рангли кошинлардан кенг фойдаланилган. Қабуллар уйи атрофида тарихий фотокўргазмалар ва миллий ҳунармандчилик устахоналари фаолияти йўлга қўйилган.

Янги автомобиль йўли – Хивага олиб борувчи замонавий транспорт йўлаги

Хивадаги янги объектларнинг самарали ишлаши, аввало, уларга қулай етиб бориш имконияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Урганч–Хива ўртасида барпо этилган янги автомобиль йўли ҳудуднинг транспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Янги магистрал орқали Урганчдан Хивага етиб бориш вақти амалдаги 45-50 дақиқадан 15-17 дақиқага қисқармоқда. 35 километрлик, тўрт тасмали йўл суткасига 30 мингдан ортиқ транспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Лойиҳа доирасида ер ости туннели, 15 та кўприк, 8 та йўл ўтказгич ҳамда 106 та сув ўтказиш иншооти барпо этилган. Йўлда транспорт оқими ва тўловларни бошқариш сунъий интеллектга асосланган рақамли тизимлар орқали амалга оширилади. Тўловларни транспорт воситасини тўхтатмаган ҳолда электрон тарзда ундириш кўзда тутилгани ҳаракат қулайлиги ва вақт тежамкорлигини оширади.

Янги йўлнинг яна бир муҳим жиҳати – унинг техник ечимидадир. Иссиқ иқлим шароитига чидамли махсус модификацияланган битум аралашмасидан фойдаланилган бўлиб, қопламанинг умумий қалинлиги 87 сантиметрни ташкил этади. Йўл бўйида халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Умуман, Хивада амалга оширилаётган ушбу лойиҳаларни бир-биридан алоҳида эмас, балки ягона инфратузилмавий занжир сифатида баҳолаш мумкин. Замонавий транспорт йўли шаҳарга келувчилар оқимини ошириш учун шароит яратса, янги меҳмонхона ва конгресс инфратузилмаси уларга хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради. Миллий меъморий ечимлар эса замонавий объектларни Хоразмнинг тарихий муҳити билан уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

Давлат раҳбари ҳам ушбу мажмуалардан самарали фойдаланиш, Хивада йирик халқаро тадбирларни кўпайтириш, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу тариқа, Хиванинг тарихий мероси замонавий инфратузилма билан уйғунлашиб, шаҳарнинг нафақат сайёҳлик, балки халқаро тадбирлар, хизматлар ва бизнес учун ҳам жозибадорлигини оширишга қаратилган янги босқични бошламоқда. Янги транспорт йўлаги ва замонавий хизмат кўрсатиш объектлари эса бу жараённинг амалий таянчи бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Ўйлаймизки, Президентнинг бу галги ташрифи ҳам хоразмликлар кутганидек фақат яхши ва янги ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ҳудуд қиёфаси ўзгариб бормоқда

Янги бинолар, кўркам шаҳарчалар мислсиз имкониятлар. Бугун Навоий вилоятининг қиёфасига назар ташласангиз бунёдкорлик нафаси тобора кенг қулоч ёзаётганига гувоҳ бўласиз. Қад ростлаётган ҳар бир иншоот ортида эса кимнингдир меҳнати ва маҳорати, касбига бўлган садоқати мужассам. Айниқса, “Янги Навоий” шаҳарчасида кеча бўш турган ҳудудлар бугун замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар ва таълим масканлари барпо этилмоқда.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Бугун “Янги Навоий” шаҳарчаси катта бунёдкорлик майдонларидан бирига айланди. Бу ерда 7 қаватдан 32 қаватгача бўлган турар жойлар, мактаб, боғчалар, поликлиникалар, йирик истироҳат боғи ҳамда замонавий университет мажмуасини барпо этиш режалаштирилган. Булар орасида Навоий давлат университетининг янги биноси алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда 12 минг ўринли замонавий ўқув бинолари, 2 400 ўринли талабалар турар жойлари, спорт иншоотлари, амфитеатр, сайилгоҳ, ўқув лаборатория, музей, илмий-тадқиқот ва коворкинг марказлари кутубхона очиқ ва ёпиқ бассейнлар ҳамда бошқа турли объектлар бўлиши кўзда тутилган.

– Навоий давлат университети объектида жадал ишлар олиб борилмоқда, – деди участка бошлиғи Низомиддин Мансуров. – Университет объекти 14 гектардан иборат бўлиб, бу ерда 4 та катта ўқув биноси, ректорат, конференц холл ва яна ёнидан иккита катта факультет бинолари қад ростламоқда.

Албатта, ҳар бир қурилиш жараёни ортида аниқ ҳисоб-китоб, лойиҳа сифати ва хавфсизлик талаблари туради. Лойиҳанинг амалга оширилиш муддати 2023-2027 йиллар этиб белгиланиб, мазкур объект учун 346,7 млрд сўм маблағ ва 400 нафар ишчи ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Кармана туманида қад ростлаётган Кўзи ожизлар кутубхонаси биноси “Меъмор-лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти томонидан июнь ойидан бошланиб, 25 сентябргача фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айни кунларда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу объектга давлат томонидан 4 ярим миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда ушбу объектда 35 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Ҳозир асосан бетон ишлари олиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2026 йилнинг январь–июль ойларида Навоий вилоятида қурилиш ишлари 2025 йилнинг шу даврига нисбатан 128,3 фоизни ташкил этиб, қурилиш ишлари 28,3 фоизга ошган.

Вилоятда бугунги кунга қадар 1594 хонадонли 24 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар яна 4 112 та хонадонли уй-жойлар топширилиши режалаштирилган. “Янги Ўзбекистон” массивлари дастурига 4 та туман киритилган. Кармана ва Қизилтепа туманларидаги қурилиш ишлари 2023 йилда бошланган бўлса, 2025-2026 йилларда Зарафшон ва Навоий шаҳарлари ҳам қўшилган.

Бунёдкорлик – бу фақат янги бино ва иншоотлар барпо этиш эмас, балки ҳудуднинг эртанги қиёфаси ва аҳоли фаровонлиги учун мустаҳкам бўлган пойдевор яратишдир. Навоий вилоятида қурилиш ишларининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бу соҳадаги ислоҳотлар изчил давом этаётганини кўрсатмоқда.

@noqonuniy_qurilish_bot ишга туширилди

Республикаси Бош прокуратураси томонидан Тошкент шаҳрининг меъморий қиёфасини сақлаш, шаҳарсозлик нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ва ноқонуний қурилишларга чек қўйишга эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда самарали жамоатчилик назоратини ташкил қилиш учун “Ноқонуний қурилиш” махсус telegram-бот дастури ишга туширилди.

Ушбу (@noqonuniy_qurilish_bot) telegram-бот орқали пойтахтдаги ноқонуний қурилишлар ҳақида тезкор маълумот бериш мумкин.

Бош прокуратура аҳолига мурожаат қилиб, кўп қаватли уйлар ён-атрофи, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳи, яшил ҳудуд ёки бошқа жамоат жойларида ноқонуний қурилиш объектларига ким гувоҳ бўлса, зудлик билан юқоридаги бот орқали хабар йўллашни сўради, ЎзА мухбири Норгул Абдураимова.

Ўз уйимиз, маҳалламизга бефарқ бўлмаган ҳолда мазкур жамоатчилик назоратида фаол иштирок этайлик!



“Янгиобод” янги қиёфага кирадими?

Тошкентда шаҳар жамоат инфратузилмасини янгилаш, аҳоли учун унинг очиқлиги, хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бу ишлар дастлаб маҳаллалар, пиёдалар йўлаклари ва бошқа жамоат жойларини ободонлаштиришдан бошланган бўлиб, бугунги кунда шаҳар бозорларини ҳам қамраб олган.

Ана шундай объектлардан бири “Янгиобод” бозоридир. Бу тошкентликларга яхши таниш бўлган, кўплаб мамлакатларда формати “бурга бозори” деб аталадиган маскандир. Айнан шунинг учун ҳам бозорни янгилаш ҳақида гапирганда, унинг одатий қиёфасини ўзгартириш ёки уни бошқа форматдаги бозорга айлантириш мақсад қилинмаяпти. Шаҳар ҳокимиятининг маълумотига кўра, вазифа анча оддий ва тушунарли – бозорни шу ерда ишлайдиганлар ва бу ерга келадиганлар учун қулайроқ, хавфсизроқ ва шинамроқ қилиш.

Гап ҳудудни ободонлаштириш, меъёрий санитария шароитлари, хавфсизлик, зарур инфратузилма, қулай ўтиш йўлаклари ва автотураргоҳ ҳақида бормоқда. Яъни, ҳар қандай замонавий шаҳар бозорида бўлиши шарт бўлган оддий шароитлар ҳақида. Шу билан бирга, бугун бу ерда ишлаётган сотувчилар ўз савдо ўринларини сақлаб қоладилар. Бозорнинг одатий ихтисослашуви ва энг муҳими, унинг ўзига хос муҳити ҳам сақланиб қолади.

Ҳозирда лойиҳачилар билан биргаликда “Янгиобод”ни янгилаш концепцияси ишлаб чиқилмоқда. Бу шунчаки қоғозда яратилган лойиҳа эмас, балки ушбу бозор ҳақиқатан ҳам муҳим бўлган инсонларнинг фикри инобатга олинган ечим бўлиши муҳим. Шу боис лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилади. Ҳар бир инсон таклиф этилаётган ўзгаришлар билан танишиши, ўз фикрини билдириши, саволлар бериши ва таклифлар киритиши мумкин бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Юрт ободлиги, аввало, инсоннинг кундалик ҳаётида сезиладиган қулайликларда намоён бўлади. Хонадонда чироқнинг ёниши, маиший техникалардан бемалол фойдаланиш, фарзандларнинг кечки пайт дарс тайёрлаши каби оддий кўринган ҳолатлар ҳам аслида, осойишта турмушнинг муҳим қисмидир.

Элга файз, хонадонларга нур инмоқда

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг “Сармижон” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Қўрғон қишлоғида айни шу эҳтиёждан келиб чиқиб, электр таъминотини яхшилашга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқдаги электр тармоқларини янгилаш ва мавжуд имкониятларни кенгайтириш мақсадида туман электр таъминоти корхонаси томонидан изчил ишлар бажариляпти. Ҳудуддаги мавжуд электр қувватини ошириш ишлари ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда қишлоқда 250 кВА қувватга эга эски трансформатор пункти ўрнига 400 кВА қувватли, шаҳар типидаги янги трансформатор пункти ўрнатилмоқда. Шунингдек, 118 дона мустаҳкам темир-бетон таянч ўрнатилиб, 3 минг 500 метрдан зиёд замонавий СИП кабеллари тортилмоқда. Янги тармоқнинг барпо этилиши электр энергиясини хонадонларга ишончли етказиш, тармоқдаги носозликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга замин яратади. Энг муҳими, бу инфратузилма қишлоқнинг бугунги эҳтиёжлари билан бирга, келгусидаги ривожи учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Амалга оширилаётган ишлар якунлангач, маҳалладаги 300 дан ортиқ хонадоннинг электр таъминоти сезиларли даражада яхшиланади.



“Сармижон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ваҳоб Зиёев таъкидлаганидек, қишлоқда электр таъминотининг ўрнатилиши аҳоли учун катта қулайликдир. Чунки бундай ўзгаришларнинг қадри, аввало, кундалик ҳаётда билинади. Барқарор электр таъминоти қишлоқ аҳлининг кундалик ҳаётига хотиржамлик бағишлаб, замонавий турмуш учун зарур шароитларни янада мустаҳкамлайди. Шу боис, маҳалла аҳли амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан мамнун ва миннатдор.

Қўрғондаги янгиланаётган электр тармоқлари қишлоқ қиёфасидаги кўзга ташланмас, аммо ҳаёт учун ниҳоятда муҳим ўзгаришлардан биридир. Зеро, обод ҳаёт катта бунёдкорликлардан ташқари, инсоннинг ҳар куни фойдаланадиган қулайликлари билан ҳам ўлчанади.

Чиқинди полигонларини 50 фоизгача қисқартириш ишлари қандай кетмоқда?

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда жами 1653,47 гектар ер майдонида 200 та чиқинди полигони ташкил этилган.



Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоятдаги жами 135 та қаттиқ маиший чиқинди полигони фаолият юритиб, уларга санитар тозалаш корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг махсус техникалари билан ҳар куни ўртача 4500-4700 тагача қатновлар сони амалга оширилиб, 14-15 минг тонна чиқинди қабул қилиниб, жойлаштирилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, 2030 йилгача маиший чиқинди полигонларини камида 50 фоизга қисқартириш вазифаси белгиланган. Йиллар кесимида бу кўрсаткич 2025 йилда 20 фоиз, 2026 йилда 26 фоиз, 2027 йилда 30 фоиз, 2028 йилда 35 фоиз, 2029 йилда 40 фоиз ва 2030 йилда 50 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган.

Шу мақсадда 2024-2025 йиллар давомида жами 50 та (255,9 гектар) қаттиқ маиший чиқинди полигонининг фаолияти тўхтатилиб, рекультивация ишлари амалга оширилди ҳамда 26 фоизга қисқартирилди. Жумладан, Президент фармонига асосан, 2026 йилда яна 18 та маиший чиқинди полигони рекуьлтивация қилиниши ҳисобига фаолияти тўхтатиладиган полигонлар сонини 68 тагача ёки 34 фоизга етказиш режалаштирилган.

Чиқинди полигонларида саралаш хизматларини ташкил этиш борасида жорий йилнинг 6 ойида 98 та қаттиқ маиший чиқинди полигони давлат харидлари электрон платформасига танлов учун жойлаштирилди. 1 август ҳолатига кўра, уларнинг 22 таси бўйича ғолиб тадбиркорлар аниқланган.

Ўз мухбиримиз.

Ташқи бозорга йўл топиб

Ҳар қандай ҳудуднинг барқарор иқтисодий тараққиёти инвестиция муҳитининг жозибадорлиги, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиши ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаш имконияти билан белгиланади.

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бунда хорижий сармояларни жалб этиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Жорий йилда Самарқанд вилоятида 4,4 миллиард долларлик чет эл инвестициясини ўзлаштириш ва 10 миллиард доллар бўлган 189 та йирик лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Яқинда ана шу эзгу мақсадлардан бири ўз натижасини кўрсатди.

Нуробод туманида очилган “Nanjing Cement croun” МЧЖ томонидан қиймати 63,5 миллион доллар бўлган янги цемент заводи ишга туширилди. Йилига бир миллион тонна маҳсулот тайёрлайдиган замонавий корхона асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Айтиш керакки, корхона ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бирга, 200 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Киберхавфсизлик – рақамли маконда ҳимоя кафолати

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида ходимларнинг киберхавфсизлик борасидаги ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда рақамли хавфлардан ҳимояланиш чораларини кучайтириш мақсадида семинар ташкил этилди.



Семинарни Инспекция раҳбари очиб бериб, бугунги рақамлашув жараёнида киберхавфсизлик масаласи ҳар бир ходимдан юқори даражадаги масъулият ва ҳушёрликни талаб этишини таъкидлади. Шунингдек, кибержиноятчиликнинг салбий оқибатлари, шахсий ва хизматга оид маълумотларни ҳимоя қилиш, шубҳали хабарлар ва ҳаволаларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашиш муҳимлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кибержиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан тақдимот ўтказилиб, унда кибержиноятларнинг асосий турлари, уларнинг аломатлари ва содир этилиш усуллари, шунингдек, бундай хавфлардан ҳимояланишнинг самарали чоралари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ходимлар билан очиқ мулоқот ва савол-жавоблар ўтказилиб, уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Тадбир якунида рақамли муҳитда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, киберхавфларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг олдини олишда ҳар бир ходимнинг шахсий масъулияти муҳим эканлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз.



Ўзбекистон ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмунига эътибор берилса, ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш, ходимларнинг касбий маданияти ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, тизимни рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва таҳлилий бошқарув механизмлари асосида модернизация қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари: халқчил тизим, рақамли ва профилактик бошқарув модели



Наргиза АШУРОВА,
ИИВ Академияси профессори, юридик фанлар доктори.

Бу жараённинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда эътибор фақат содир этилган жиноятга муносабат билдиришдан унинг сабаб ва омилларини олдиндан аниқлашга, хавфли ҳудуд ва шахсларни барвақт белгилашга, маҳалла даражасида манзилли профилактика олиб боришга кўчмоқда.

Ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида ИИО ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизомига қўйиладиган талаблар тизимлаштирилди. Хусусан, Кодекс ходимларнинг хизматдаги ва хизматдан ташқари одобахлоқи, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, рағбатлантириш ҳамда интизомий чораларни белгилайди.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг рақамли экотизимини замон талабларига мутаносиб равишда мақсадли рақамли ечимлар асосида янги босқичга олиб чиқиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига сунъий интеллект технологияларини кенг татбиқ этиш, “марказ – ҳудуд – маҳалла” ягона технологик ёндашувини жорий этиш ва ахборот маконида рақамлаштириш жараёнлари натижадорлигини янада ошириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, ички ишлар органлари тизимида рақамли трансформация ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг аниқ институционал механизмлари белгиланиб, кибержиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг вазифаларини янги технологик муҳитга мослаштиришга қаратилмоқда. Шу мазмунда, ички ишлар органлари тизимида рақамли трансформация маҳалла даражасида ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишни янада мазмунли, рақамли ва натижага йўналтирилган механизмларга боғлади. Жумладан, ички ишлар органларининг муайян соҳаси – миграция ва персоналлаштириш фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш назарда тутилган.

Шунингдек, тегишлиҚарорда сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш ва аҳолига тезкор ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш мақсади белгиланган. Демак, рақамли трансформация ички ишлар органларининг ички бошқаруви билангина чекланмай, аҳолига хизмат кўрсатиш моделига ҳам кириб бормоқда. Таъкидлаш керакки, рақамлашув ички ишлар органларининг имкониятларини кенгайтириши билан бирга, жиноятчиликнинг янги шаклларини ҳам юзага келтиради. Шу сабабли кибержиноятчиликка қарши курашиш ички ишлар органларининг алоҳида ва стратегик йўналишига айланмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда ички ишлар органларининг маҳалла билан ишлаш механизмига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳуқуқбузарликларнинг кўплаб сабаб ва шарт-шароитлари айнан фуқаронинг кундалик ҳаёти кечадиган ижтимоий муҳитда шаклланади. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ички ишлар органларининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, аҳолининг ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ҳар қандай мурожаатларини сўзсиз рўйхатга олиш, уларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш ҳамда жиноий ҳолатлар юзасидан белгиланган тадбирларни ўз вақтида, қонуний ва тўлақонли амалга ошириш учун туман ва шаҳар ички ишлар органлари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси энди фақат ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан ишлаш эмас, балки ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий вазиятни олдиндан аниқлаш механизмига айланмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ички ишлар органларидаги ислоҳотларнинг натижаси янги технологиялар ёки янги тузилмалар сони билан эмас, балки аҳоли ҳаётида сезиладиган муҳим уч мезон, яъни хавфсизлик, тезкор хизмат ва адолатли муносабат билан ўлчанмоқда. Ана шу мезонлар қарорларда белгиланган халқчил, рақамли ва профилактик ички ишлар органлари моделининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 14 августдаги 519-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган лойиҳалаштирилиб қурилиши режалаштирилаётган ва мавжуд савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	44-30-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
2.	43-31-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
3.	44-32-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
4.	12-21-3-сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	54 000 000
5.	12-21-21-сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	54 000 000
6.	12-21-22-сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	54 000 000
7.	46-8-сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	54 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 18 сентябрь куни соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 7, 15, 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11, 25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

Қурилиш ишларини назорат ўлчовидан ўтказувчи ташкилотлар диққатига!

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар, “Азизтепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида кўп қаватли уй-жой қурилиш ишларини назорат ўлчовидан ўтказишни амалга оширувчи ташкилотларни танлаб олиш учун

танлов эълон қилинади!

Қурилиш ишларини назорат ўлчовидан ўтказишни амалга оширишда иштирок этиш истагида бўлган ташкилотлардан тижорат таклифлари қабул қилинади.

Танлов якунларига кўра, энг мақбул иқтисодий таклифларни тақдим этган ташкилотлар ғолиб деб топилади.

Назорат ўлчовидан ўтказувчи ташкилотлар қурилиш объектининг қийматига нисбатан белгиланган фоиз кўринишида ўз таклифларини тақдим этишлари талаб этилади.

Таклифлар қуйидаги манзилда жорий йилнинг 25 августига қадар қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-“В” уй, “Capital Bino Qurilish” МЧЖ офиси.

Маълумот учун телефон: 95-344-88-99, 99-030-50-90.

Электрон почта: psb_capital@mail.ru

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 25 апрелдаги 4-2001-2404/2771-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган “OZOD” ХК суд тугатиш бошқарувчиси томонидан 2026 йил 18 августдаги 4/2771-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги ер участкасини фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

Бухоро вилояти Бухоро шаҳри, Ибн Сино кўчаси ёқасида жойлашган. Мактабгача таълим муассасаси учун болалар ўйингоҳи мажмуаси қуриш учун мўжалланган умумий майдони 900,00 квадрат метрдан иборат ер участкасига бўлган ҳуқуқ. **Бошланғич баҳоси** – 1 539 092 376,00 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк бўйича аукцион савдо 2026 йил 22 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2026 йил 21 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2026 йил 22 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2026 йил 1 мартоба 15 кун оралиғида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-82.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Фарғона вилояти Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 30 майдаги 4-1504-2502/6599-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори ва “ABIK-TRADING IMPEX” МЧЖ Суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 19 августдаги 143-сонли хатига асосан қуйидаги 2 та объект, яъни ишлаб чиқариш бино-иншоотлари ҳамда болалар ўйингоҳи ва чойхона бино-иншоотлари мажмуа сифатида электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти Марғилон шаҳар, “Надирмат” МФЙ, Бекат олди кўчаси, 1-уй, 7-лот манзилида жойлашган “ABIK-TRADING IMPEX” МЧЖга тегишли, мажмуа сифатида ҳуқуқий ҳужжатга асосан **умумий эгаллаган ер майдони** – 11 620,00 квадрат метр, **амалда эса** – 9 300,00 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 2 042,90 квадрат метрдан иборат бўлган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари (**кадастр рақами:** 15:19:01:34:01:2914). **Бошланғич нархи** – 15 851 074 132,00 сўм.

2. Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, “Шаршара” МФЙ, Чаман кўчаси, 134-уй манзилида жойлашган “ABIK-TRADING IMPEX” МЧЖга тегишли, мажмуа сифатида **умумий эгаллаган ер майдони** – 6 400,00 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 994,44 квадрат метрдан иборат бўлган болалар ўйингоҳи ва чойхона бино-иншоотлари (**кадастр рақами:** 15:20:03:12:15:0005). **Бошланғич нархи** – 1 058 583 154,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 23 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 22 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 23 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиши қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш, навбатдаги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 91-117-87-53., 90-407-07-62.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 27 октябрдаги 4-1504-2502/6812-сонли ажримига асосан банкрот, деб эътироф этилган “Аслиддин-2018” ФХ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 17 августдаги 31-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги ердан фойдаланиш ижара ҳуқуқи электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани, Янгиобод массиви ҳудудида жойлашган “Аслиддин-2018” ФХга тегишли боғдорчилик асосида ижарага фойдаланиш учун берилган 3,8 га ер майдонининг фермер хўжалиги сифатида ердан фойдаланиш ижара ҳуқуқи (ер участкасининг кадастр рақами: 15:05:000011297). **Бошланғич баҳоси** – 238 382 143,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 23 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 22 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 23 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 94-130-17-33, 90-773-80-02, 90-407-07-62.

Андижон аэропорти
янги, замонавий қиёфага кирмоқда



Бугун юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар ва меҳмонлар сони ортаётгани, ташқи ва ички туризм ривожлангани сайин уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, айниқса, йўловчи ташиш кўламини кенгайтириш долзарб аҳамиятга эга масалалардан ҳисобланади. Бу борада барча ҳудудларда кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги қарори асосида Андижон халқаро аэропортида янги йўловчи терминали барпо этилмоқда. Янги терминалнинг қурилиш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамияти томонидан бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди.



Андижон вилояти аҳолиси энг зич ҳудудлардан бири бўлиб, 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Вилоят Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган ва Қирғизистон билан бевосита чегарадош. Бундай географик жойлашув авиақатновларни ривожлантириш ва ҳудуднинг халқаро транспорт алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳият яратади.

Андижон аэропортининг амалдаги аэровокзал мажмуаси 1979 йилда қурилган бўлиб, умумий майдони атиги 2 402,4 квадрат метрни, ўтказувчанлик қуввати эса соатига 200 нафар йўловчини ташкил этади. 1995-1996 йилларда жўнаб кетиш ва келиш йўловчилари учун қўшимча заллар қурилган бўлса-да, шундан буён терминалда комплекс капитал реконструкция ишлари амалга оширилмаган.

Пресс-тур давомида Андижон халқаро аэропорти директори Соҳибжон Кенжаев ҳамда директорнинг ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари Қобилжон Абдуназаров ОАВ вакилларига янги терминал имкониятлари ва қурилиш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берди.

– 2026 йил февраль ойидан бошланган қурилиш ишлари шу йил охиригача якунланиши режалаштирилган, – деди аэропорт директори С. Кенжаев ЎзА мухбири Муҳтарама Комиловага. – Янги терминалнинг майдони 19 минг 650 квадрат метрни ташкил этади. Бу амалдаги терминалдан қарийб 8,2 баравар катта. Унинг ўтказувчанлик қуввати соатига 200 нафардан 1 000 нафаргача йўловчига ошади, яъни 5 баравар кўпаяди. Лойиҳа амалга оширилгач, аэропорт йилига 1,1 миллион нафаргача йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиши кутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида аэропорт 91 минг 882 нафар йўловчига хизмат кўрсатди ва 690 та авиақатновни амалга оширди. Янги терминал ишга тушса, сезиларли ўсишга эришилади. Шу билан бирга, 150 та янги иш ўрни яратилади. Аэропорт яқинида меҳмонлар учун 300 кишилик меҳмонхона қурилади ҳамда 30-40 кишилик капсулалар ўрнатилади.

Янги аэропорт ҳудудида имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам зарур шароитлар яратилади. Шунингдек, она ва бола хонаси, намозхоналар, таҳоратхоналар, замонавий кутиш зали кўзда тутилган.

Маълум қилинганидек, 2025 йил март ойида мавжуд учиш-қўниш йўлаги, РД-В рулилаш йўлаги ва ҳаво кемалари тураргоҳининг бир қисми реконструкция қилиниб, кенгайтирилди. Яъни учиш-қўниш йўлагининг узунлиги 3 минг 300 метр, эни 60 метрдан иборат бўлиб, бетон қоплама қилинган. 5 дақиқа оралиғида 6 та ҳаво кемасини кетма-кет қабул қилиш имконияти яратилган.

Аэродром инфратузилмасини кейинги босқичда реконструкция қилиш доирасида йирик ҳаво кемалари учун 10 та автотураргоҳ, иккита янги рулилаш йўлаги, жумладан, битта тезкор рулилаш йўлаги барпо этилмоқда. Шунингдек, периметр хавфсизлиги ва электр таъминоти тизими модернизация қилинмоқда.

Ёруғлик-сигнализация қурилмалари ва периметр тўсиқларини ўрнатиш ишлари 95 фоизга, ҳудудни вертикал режалаштириш ишлари эса 90 фоизга бажарилган. Ёруғлик-сигнализация қурилмаларини ўрнатишда ҳаво туман бўлган вақтида 300 метргача кўриш масофасини ёритиб берувчи қурилмалар ўрнатилган. Бу иккинчи категория ҳисобланиб, ҳозиргача Тошкент, Самарқанд ва Навоий аэропортларида мавжуд эди.

Аэродром инфратузилмасининг модернизация қилиниши авиақатновлар ўсишига туртки берди. Шунингдек, аэропортга йирик, жумладан, кенг фюзеляжли ҳаво кемаларини қабул қилиш имкони яратилди. Жумладан, жорий йилнинг 3 июль куни Андижон ўз тарихида илк бор Флядеал авиакомпаниясининг Мадина – Андижон йўналишида 354 нафар йўловчидан иборат Аирбус А330 русумли мунтазам рейсини қабул қилди.

Тур давомида гувоҳи бўлганимиздек, бугун янги терминал биносида қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этмоқда. Бош пудратчи – “Marin Business Trade” МЧЖ, бош лойиҳа ташкилоти эса – “Prime Tower Group” ҳисобланади. Бу ерда 150 дан ортиқ ишчи, мутахассис иш олиб бормоқда. Грунт сувларини чиқариб юбориш учун дренаж тизимини барпо этиш, пойдевор учун асосни тайёрлаш, пойдеворни бетонлаш ҳамда бино периметри бўйлаб сокол бетонини ётқизиш ишлари тўлиқ якунланган. Модулни йиғиш ишлари 100 фоиз бажарилган бўлиб, жами 13 минг 104 квадрат метр конструкция ўрнатилган. Биринчи қават полини бетонлаш ва арматура каркасини ўрнатиш ишлари 90 фоизга, том профнастилини монтаж қилиш эса 100 фоизга бажарилган. Айни пайтда қаватлараро тўсинлар, боғловчи металл конструкциялар ва фасад йўналтиргичларини ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Лойиҳа якунлангач, аэропорт йўловчи ва аэродром инфратузилмасининг сифат жиҳатидан янги даражасига чиқади. Маҳаллий ва хорижий меҳмонларга, ҳудуд аҳолисига сифатли ва замонавий хизматлар кўрсатиш имконияти кенгаяди, маҳаллий ва халқаро авиаташувлар сони ортади.

Қорадарё кўприги –
байрамга муносиб туҳфа

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Наманган вилояти Норин туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлмоқда.

Жумладан, Наманган вилоятини Андижон вилояти билан боғловчи Қорадарё устида замонавий талабларга жавоб берадиган янги кўприк қурилиши жадал давом этмоқда.

Стратегик аҳамиятга эга мазкур иншоот Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Қирғиз Республикасининг Ўш вилояти ўртасидаги транспорт қатновини янада қулайлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳоли учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида барпо этилган эски кўприкнинг узунлиги 188,5 метр, эни эса 9 метрни ташкил этади. Қатнов қисмининг торлиги транспорт воситалари ҳаракатида муайян ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

Янги кўприк қурилиши учун давлат бюджетидан қарийб 43 миллиард сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда қурилиш ишларида пудратчи — “Кўприк қурилиш фойдаланиш” масъулияти чекланган жамиятининг 50 нафарга яқин ишчи-ходимлари 20 дан ортиқ махсус техника ёрдамида фаол иштирок этмоқда.

Яқин вақтларда фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган мазкур замонавий иншоот аҳоли ва транспорт воситалари учун янада хавфсиз ҳамда қулай ҳаракатланиш имконини яратади.



▲ Суратларда: қурилиш жараёнларидан лавҳалар. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 21 – 24 август саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ичимлик ва оқова сув тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Азамат Нодиров,** Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Нодир Режаббоев,** Давлат архитектура назорати департаменти (Қашқадарё вилояти бўйича) бош мутахассиси **Нодир Жуманов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси архитектори **Фаррух Наврўзов,** 3-устахонаси гуруҳ мудири **Абдулазиз Азимов,** 4-устахонаси етакчи муҳандиси **Жавлонбек Нарзиев,** 5-устахонаси муҳандиси **Ўткирбек Ўктамов,**

Андижон вилояти Булоқбоши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Одина Мамажонова,**

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Шоҳруҳ Баратов,**

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Андижон вилояти филиали директори **Шуҳратбек Матмусаев,** Хўжалик мудири **Бунёдбек Мадвалиев,** Самарқанд вилояти филиали бухгалтери **Фарҳод Қаршиев,** Насос қурилмалари машинисти **Рашиддин Хўжамов,** Қашқадарё вилояти филиали ИТП чилангари **Шаҳбоз Хушмуродов,** Тошкент тумани филиали 1-микрарайон қозонхонаси оператори **Бахтиёр Муратов,** Қибрай тумани филиали 3-сонли қозонхона қоровули **Қудратилла Абдуллаев,** Янгийўл шаҳар филиали Янгиҳаёт қозонхона қоровули **Рамиль Заббаров,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбар котиби **Самандар Акбаров,** Молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси **Шуҳрат Салимов,** Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектлари мониторингини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Раҳимжонов,** Хизмат хоналари фарроши **Тўрапошша Мадалиева,** Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Ойбек Яҳёев,**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги “Бунёдкор” БСК МЧЖ бош директори **Акмал Ҳакимов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 841.
1261 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 21.26 Топширилди – 23.20.